



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2009 йил

1 август
ШАНБА

№ 61
(12.176)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

www.th.uz


ЭРТАМИЗ ВОРИСЛАРИ МУЛОҚОТДА

Эртамиз эгалари бўлган ёшларни маънавий етук, дунёқараши кенг ва соғлом, ижтимоий фаол авлод сифатида вояга етказиш ҳамда уларни юрт келажакининг чинакам эгалари бўлиб етишишига кўмаклашиш мақсади бундан саккиз йил муқаддам Юртбошимиз ташаббус билан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати юзига келган эди. Утган фурсат мобайнида ташкилот ўз олдида қўйган эзгу мақсад ва вазифаларни бажара бориб, ёшларнинг ҳақиқий суянчи ва таянчига айланиб улгурди, десак янглишмаймиз.



«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгашининг икки ярим йиллик фаолияти сарҳисобига бағишланган IV конференцияси бўлиб ўтди. Унда ҳаракатнинг вилоят бўлими кенгаши ва назорат тафтиш комиссиясининг ўтган даврдаги фаолияти юзасидан ҳисоботлари тингланди. Утган икки ярим йил давомида қилинган ишлар атрофлича таҳлил қилиниб, ютуқ ва камчиликлар юзасидан ҳолис

фикрлар билдирилди. Таъкидланганидек, вилоят кенгаши томонидан барча тегишли идора ва ташкилотлар билан узвий ҳамкорлик қилиниб, ёшлар ўртасида соғлом муҳитни барқарорлаштиришга хизмат қилувчи турфа маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиб келинаётгани эътиборга моликдир. Айниқса, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлашга, улар учун зарур шарт-шароитлар яратиб беришга доимий равишда



этибор қаратилаётганлиги диққатга сазовор. Шу билан бирга ҳаракат фаолиятида йўл қўйилаётган бир қатор камчилик ва нуқсонлар ҳам тилга олинди, феолиқни ошириш, ёшлар билан ишлашни янада кучайтириш юзасидан муҳим вазифалар ўртага ташланди.

Конференцияда ташкилий масала кўрилди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши раиси Шўхрат Қўчқоров бошқа ишга ўтганлиги сабабли вазифасидан озод этилди. Тошкент туман ҳокимлигида масъул лавозимда ишлаб келган Иброҳим Холматов вилоят кенгаши раиси этиб сайланди.

Анжуманда вилоят ҳокимининг ўринбосари Соҳиб Абдуллаев иштирок этди.

Ўз муҳбиримиз.
СУРАТАЛАРГА: конференция фикр ва мулоҳазаларга бой бўлди.

Даврон АХМАД олган суратлар.

Тест синовлари - 2009

КИМНИНГ БИЛИМИ ПУХТА БЎЛСА...

Бугун минглаб ёшларимиз учун муҳим кун. Ҳали талаба бўлиб улгурмаган, олийгоҳларда ўқиш орзусида юрган ҳар бир абитуриент қалбидан ўзгача ҳаяжон, эзгу орзулар бисёр. Урта таълим мактаблари, касб-хунар коллежи ва лицейларни тамомлаган ёшлар ҳаётларидаги дастлабки жиддий имтиҳондан ўтаётганлар.

Бугун қайси олий ўқув юртида бўлмайлик, ёшларнинг билим олишга бўлган иштиёқ ва шижоатларини кўриб, қувонамиз.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда келажакимиз эгалари бўлган ёш авлодга билим бериш, уларнинг маънавий онгини юксалтириш ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Бу ўз навбатида, ёшларимизнинг ўқишга бўлган иштиёқ ва муносабатларини тубдан ўзгартирди. Буни олий ўқув юрларида таълим олиш истагида бўлган абитуриентлар сонини йилдан-йилга ошиб бораётганидан ҳам билиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги берган маълумотларга қараганда, бу йил абитуриентлар учун жами 62 минг 952 та ўрин ажратилган. Бакалавр йўналиши бўйича 57 минг 305 та ўрин бўлиб, улардан 19 минг 755 таси давлат гранти, 37 минг 550 таси эса, тўлов-шартнома асосидадир. Шунингдек, магистратура йўналиши бўйича

5647 та ўринга талабалар қабул қилинади.

Бугун вилоятимиздаги икки олий ўқув юрти - Тошкент давлат аграр университети ва вилоят давлат педагогика институтида ҳам абитуриентлар кириш имтиҳонларини топширмоқдалар. Хусусан, 2009-2010 ўқув йили учун Ангрендаги вилоят давлат педагогика институтида абитуриентлар орасидан 1 минг 415 нафар энг билимли ёшлар саралаб олинади. Уларнинг 485 нафари давлат гранти ва 930 нафари тўлов-шартномаси асосида тахсил олади. Шу билан бирга абитуриентлар сафида мамлакатимиз Кўролли Қўчаларида хизмат бурчини ўтаб қайтган 17 нафар йигит ҳам кириш имтиҳонларини топширапти.

Биз барча интилувчан ёшларимизнинг эзгу мақсадлари амалга ошишига тилақдоримиз. Негаки, улар олий ўқув даргоҳларини тамомлаб, юртимиз равнақи учун меҳнат қилувчи малакали кадрлар бўлиб етиштирилишига ишонамиз.

ИРОДА НОРБОВЕВА,
Ўзбекистон Миллий университети талабаси.

КЎПРИК ОЧИЛДИ

«Тошгузар-Бойсун-Қумқўрган» темир йўли йўналишининг «Дарбанд» бекатида қуриб битказилган янги кўприкнинг очилиш тантаналари бўлиб ўтди.

Барпо этилган бешта кўприк ичида энг улкани бўлган бу иншоотнинг баландлиги 43 метрни ташкил этади. Япониянинг «Шимдзу-Ниппон» Стилл Инжиниринг-Йокогава» қўшма корхонаси бунёдкорлари қисқа фурсатда умумий узунлиги 1185 метр бўлган бешта кўприкни жаҳон андозаларига мос равишда қуриб битказди.

«Туркистон-пресс».

Бугун жамиятимизда ахборотлар шиддати ва янгиликлар оқими ўз таъсирини тобора аққолроқ кўрсатиб бормоқда. Айниқса, бу жараён ёшлар онгига кескин буррилишлар, янгича қарашлар вужудга келишига таъсир кўрсатётгани сир эмас.

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА САМАРАЛИ УСУЛ

Таълим тизимини такомиллаштириш, ахборот технологияларига асосланган ўқитиш услубини жорий этиш ана шундай тезкор давр тақозосидир.

Интерфаол усуллардан таълимда самарали фойдаланиш шахс фаоллигини таъминловчи, ёшлар ўзини жараёнинг фаол иштирокчиси сифатида эркин ҳис қилишига, мавжуд нуқсон ва камчиликларини бартараф этишига таъсир кўрсатувчи омил бўлиб хизмат қилади. Бу борада таълим тизимида масофадан ўқитиш услубининг аҳамияти катта. Таълим жараёни бир тарафлама ёки ўқитувчи баънидагина иборат бўлса, ўқитиш самараси у қадар юқори бўлмайди. Бевоқиф бу жараёнда талабанинг ўзи ҳам таълим мазмунини ёритувчи сифатида фаоллик кўрсатиши ҳамда муаммони ифода-лашда изланиши ўзлаштириш даражаси юқори даражага кўтарилишига олиб келади.

НОДИРБЕК АБУЛОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети талабаси.

2009 йил учун
ОБУНА
давом этмоқда.
«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
газетасининг қанчаласи - 203.

ИСТИҚЛОЛ МАНЗАРАЛАРИ

нинг-ичганинг ичинга тушади. «Ҳалоллик билан бир пиёла чой ичишга нима етсин» деганда ҳам, тинчлик назарда тутилади.

Юрт тинч экан фаровон бўляпти, болаларимиз келажакда мустақам пойдевор қўйиляпти, дейди маҳалла оқсоқоли Руззобой ака Деҳқонов.

Руззобой ака ҳақ гапни мисолларга қўшиб айтди. Унинг маҳалласида 2 та мактаб, битта коллеж, битта гузар, тўртта савдо дўкони ва бошқа хизмат кўрсатиш шохобчалари бор. Қизиги шундаки, ҳаммасида ҳаёт қизгин, ҳаммасида одам қайнайди. Мақсад эса битта йўлга бориб тақалади: «Эл-юрт тинч, ҳудода шўр, тўй бошланмокчиман, уй қурмокчиман». Ниятни катта қилган халқимиз!

Эгали юртнинг эгали оиласи бор. Чунки эгали оиладан тарбия бошланади, ҳурмат-иззат илдирилади, Ватанга маҳаббат уйғонади. Ўғиллар ақли ва мард бўлса ёвга ярайди, қизлар ҳаёли ва уddaбурон бўлса ишга ярайди. Оилада ҳалол меҳнат дарслари

рақасида елкадошлик қилишни, муҳтожа кўмак беришни ўргатилади. Буйи-баста кўриниб, елкалари кенг бўлиб бораётган мусулмонлик йилларида бу қадриятлар яна ҳам ёруғ тортиди. Оилада истиқлол ҳақида гурунг қизиди, ҳамма гўё қайтадан уйғонди, куч-ғайрат кўпчиди, орзу болалади.

ЭР ЙИГИТНИНГ ДАВЛАТИ ЭЛИДА БЎЛАР

Баҳор кўнларининг бирида олдимга қўшни маҳалладаги бир йигит келди. Унинг отаси билан қардон эдик, тўйга айтиб келибди. Ҳол-аҳвол сўрашгач, хатти-ҳаракатлари қатъий, муомаласи ширин бу йигитдан «хизмат қаерда?» деб сўрадим. У эса қулиб «Отанинг касбини давом эттираман ака, хусусий корхонам бор», деди. Мен аввалига тушунадим, чунки унинг отаси бир уйр елкада кетмон билан ўтди. Ҳайронлигимни тушуниб, сумкачасидан иккита беҳирим пакетча олди.

«Ўзим ҳам сизга бир кўрсатай деб олган эдим, сал тортиниб турувдим, ўзингиз сўраб қолдингиз», дея олдимга қўйди. Турли ёзув ва суратчалар билан безатилган бу елим халтачаларда нима бор экан, деб бировини очсам, ерме-ғок мағзи. Шундагина гап еримиздаги билдим.

Утган асрининг 80-йилларида бу йигитнинг отаси - Абдуманнон колхозда оддий суви бўлиб ишларди. У билан танишувимиз Аб-

Абдуманнон ака Сибирда 4 йил қамокда ўтирди... Ҳаёлимни тўхат олиб келган йигит бўлди: - Ҳозир махсулотларимиз бешта давлатга кетади. Бу чиқараётган махсулотларимиздан биттаси, ака. Хуллас, тўйга ўтинг, отам сизни кўрса хурсанд бўлади... Мен у билан илиқ хайрлашдим. Шуурида бир сўз уйғонди: Истиқлол, нақадар ёруғ кунсан! Шу ёруғлик туфайли оталар кўрган қаро кўнлар, оппоқ тонларга айланди. Тадбиркор бўлман деганнинг ҳаммаси ҳам элпаб кетолмайдиган, албатта. Лекин бу ерда эътиборни бошқа нарсасига қаратиш керак. Майлида, иши юришяптими, иши юришмаптими ҳаракат бор, интилиш бор. Уриниб-суришиб йўлини топади, жуда бўлмаганда қора қозон ҳар кун қайнайди.

Истиқлол тадбиркорига имкон берди, қўлига қонун тутиди, сендан фақат куч-ғайрат бўлса бўлди, деб елкасига қоқиб ҳам қўйди. Шунинг учун ҳам ёшларимизда тадбиркорликка бўлган ҳавас кучайиб бормоқда. Бу ҳавас юртни қудратли, элни бой, оилани эса мустақам қилади.

БИР ОҒИЗ ГАП

Мақолаимиз бошида ҳикоя қилган Саидикром бува яқинда иш-комбоп янги нарвон сотиб олиб унга «С-18» деб тамга босибди. Ўғиллари ҳайрон бўлиб, исминининг бош ҳарфини билмасиз, «18» рақами нима билдиради, деб сўрашибди. Бува бўлса хотиржам, «ёшимни ёзиб қўйдим» дебди. Келаси йил оталарининг 80 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўраётган Ўғиллар ҳайрон бўлишибди. Бува эса «болаларим, шундай улуг замонни кўрганимиз, кўзимнинг очилганига 18 йил бўлди, мен йигитдайман» деб ҳаммани қулдирибди.

Биродарлар ҳаммамиз ҳам 18 га кирдик-ку, шундай эмасми? **ҲАМИД НОРҚУЛОВ.**

ЯХШИ ДАМ МЕҲНАТГА ҲАМДАМ

Гафур Гулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Тошкент вилоятининг Янгийўл тумани меҳнаткашлари билан учрашув ташкил этилди.

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги ва Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги муносабати билан Янгийўл туманидаги бир гуруҳ тадбиркор ва фермерлар, касб-хунар коллежлари ва мактаб ўқувчилари аввал, пойтахтимизнинг аҳамиятга молик масканларини томоша қилишди. Сўнгра улар боғда ташкил этилган тадбирда қатнашди.

Хунараманд усталар махсулотларининг кўргазмалари, кўргазмали спорт чиқишлари ва тумандаги бадий ҳаваскорлик жамоалари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқитувчи ўқувчилари томонидан ташкил этилган дастурлар йил-йилгиларда катта таассурот қолдириди. Шунингдек, вилоят академик халқ бадий жамоалари дирекцияси ва «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси вилоят бўлими соҳанда ва хонандалари иштирокидаги концерт дастури ҳам янгийўлликлар эътиборига ҳавола қилинди.

Азиза ҚИЁСОВА,
«Туркистон-пресс».

КЎЗЛАРДА ҚУВОНЧ, ДИЛЛАРДА ҒУРҮР

Ҳадемай юртимизда катта шодиёналар бошланади — мамлакатимиз мустақиллигининг 18 йиллиги кенг нишонланади. Юртбошимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорида таъкидланганидек, мустақиллик биз учун энг улғу, энг азиз қадрият бўлиб, миллий ўзгичлигимиз, ор-номусимиз, ғурур-ифтихоримиз тимсоли, эзгу орзу-интилишларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи сифатида шу муқаддас заминда яшаётган барча ватандошларимиз қалбидан тобора мустақкам ўрин эгалламоқда.

Айниқса, байрам шукхи кезаётган шу кунларда, мустақиллик нақадар буюк неъмат эканлигини янада тереңроқ англаймиз. Айни вақтда вилоятимизнинг ҳар бир туман ва шаҳарида ушбу кутлуг айёмга алоҳида ҳозирлик кўриляпти.

Тўғра тўғна билан, деганларидек, жойларда улкан бунёдкорлик ишлари амалга ошириляпти. Жумладан, вилоятимизнинг ўртачирчиқ туманида ҳам байрамга тайёргарлик ўзгача. Ёзинг жазирама иссиқча қарамай қурилиш ва ободонлаштириш ишлари жадал суръатлар билан давом эттирилмоқда. Янги асфальт ётқизилган равои йўллар, замон талабларига мос тарзда барпо этилаётган мактаб ва касб-хунар коллежлари кўрган кўзни қувонтиради.

Мустақиллигимизнинг 18 йиллигига алоҳида ҳозирлик кўраёмиз, — дейди туман ҳокимлиги капитали қурилиш, коммуникация, коммунал хўжалик ва ободонлаштириш бўлими бош мутахассиси Бахтжон Эрманов. — Айтайлик, бундан 15-20 йил аввал туманимизда бирор тузуқроқ иншоот, бино ёки корхона топилмас эдингиз. Айниқса, мактабларимиз замон талабларига жавоб бермасди. Ҳозир туманимизда 73 та мактаб бор. Утган йиллар давомида уларнинг 63 таси капитал реконструкция ҳамда капитал таъмирдан чиқарилди. Сўнгги беш йил илди 5 та янги мактаб ва 4 та касб-хунар коллежи бунёд этилди. Бу

йилнинг ўзида иккита касб-хунар коллежи қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Бугун тумандаги «Спентекс Тўйтепа» корхонасининг довури нафакат Марказий Осиё, балки Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига ҳам етиб борди, десак янглишмаймиз. Ҳозир корхонада уч мингдан зиёд ишчи ва хизматчи фаолият кўрсатмоқда. Бугунги кунга келиб, ишлаб чиқариш ҳахми 4-5 баравар ошди. Тайёр маҳсулотларнинг 90 фоизи хорижа экспорт қилинаётир. Яқинда «Зеро-макс» корхонаси таъсисчилигига «Тўйтепа металл қурилмалари» очик акциядорлик жамияти қайта реконструкция қилинди. Ҳозир бу ерда 700 нафар ишчи хизмат қилаётир. Корхона республика аҳамиятига эга бўлган катта қурилиш объектлари учун металл қурилма ҳамда ностандарт жиҳозлар етказиб бераётди.

Туманда кичик корхоналарнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Айниқса, «Skay» қўшма корхонаси озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ўзига хос нуфузга эга. Унинг маҳсулотларига четда ҳам харидор топиляпти. Яқинда швейцариялик шериклар билан ҳамкорликда яна бир йирик қўшма корхона иш бошлади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қуриштишга мўлжалланган ушбу корхонада қурилиш-монтаж ишлари ақунланмоқда. Энг муҳими, у фойдаланишга топширилса, шириндан

шакар медаларимиз қуришган ҳолда Россия, Япония, Германия давлатларига жўнатилади.

Туманимизда ташқи ва ички автомобиль йўлларига ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти, — дейди Бахтжон Эрманов. — «Тошкент — Пискент», «Тошкент — Бекобод», «Тошкент — Ўш» автомобиль йўлларининг тумандан ўтган қисми тўлиқ таъмирланмоқда. Шу кунгача «Тошкент — Бекобод» автомобиль йўлининг 4-20 километри мукамал таъмирдан чиқарилди. Шу мақсадларга 3 миллиард 200 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Мавжуд йўлларнинг ҳар икки томони кенгайтирилиб, замонавий усулда асфальтланди. Айни кунларда «Тошкент — Олмалик» автомобиль йўлининг туманимиздан ўтган 21 километрида асфальт ётқириш ишлари жадал суръатлар билан давом эттирилмоқда. Ҳозиргача мўлжалдаги ишларнинг 40 фоизи амалга оширилди. Мустақиллик байрамига қадар йўллар тўлиқ таъмирланади. Ана шу мақсадларга яна 3 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратиш кўзда тутилган.

Шу ўринда тумандаги яна бир қурилиш иншоотида алоҳида тўхталиб ўтмоқчи. Бу — Янги турмуш қишлоғидаги «Гулбахор» фермер хўжалигида барпо этилаётган дала шийони. Дир. Мехнатқашларга қулай яратиш мақсадида бунёд этилаётган ушбу қурилишга 70 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланаяпти. Қуворнарсини шундаки, ушбу иншоот фермернинг ўз маблағи қисоғига барпо этилмоқда.

Хуллас, ўртачирчиқ туманига йўлининг тушса, ана шундай бунёдкорлик ишларини кўриб қўвонасиз. Мамлакатимиз мустақиллигининг 18 йиллигини ўртачирчиқликлар алоҳида шоду хуррамлик билан қутиб олишлари шубҳасиз.

Улғубек ҲАМРОКУЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати»
муҳбири.

«Ягонасан, муқаддас Ватан!»



ҚЎШИҚЛАРДА ЮРТ ТАРАННУМИ

Вилоят Маънавият ва маърифат марказининг муҳташам санъат саройида «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. У вилоят ҳокимлиги, маданият ва спорт ишлари босқирмаси, маънавият-тарбияот маркази, ёзувчилор уюшмаси вилоят бўлимлири билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Юзлаб муҳлис ва томошабинлар гувоҳлигида сахнага танловнинг вилоят босқичи ғолиблари — республикада хизмат кўрсатган артист Тошпўлат Маткаримов (1-ўрин), Феруза Махмудова (2-ўрин), Шавкат Бекбоев (3-ўрин) ҳамда бир қатор совриндорлар кўтарилишди. Вилоят ҳокимлигининг ғолиблар учун таъсис этган пул мукофоти ҳамда махсус дипломларни Ўзбекистон халқ шоири Махмуд Тоир, Ўзбекистон халқ артисти Муножат

Йўлчиева каби санъат ва адабиёт намойндалари ўз эгаларига топширилар.

Тадбирда «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолиб ва совриндорлари ҳамда таъкили эстрада хонандалари иштирокида катта концерт дастури намойиш этилди.

Алишер РАҲМАТОВ.
СУРАТЛАРДА: ғолибларни тақдирлаш пайти.

Даврон АҲМАД олган суратлар.



Мирзо Улғубек номидаги маданият ва истироҳат боғида Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоятидаги касб-хунар коллежларида таҳсил олаётган ота-онасиз болаларнинг ёзги дам олишини мароқли ташкил этиш мақсадида тадбир бўлиб ўтди.

БОҒДА ЎТГАН КҮН

Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Тошкент вилоят ва шаҳар ҳокимликлари, касб-хунар таълими босқирмаси, «Соғлом авлод учун» жамғармаси, Республика меҳр-муруват маркази ва Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Тошкент шаҳар Чилонзор матбаа касб-хунар коллежи, Тошкент вилояти Ангрэн кимё-санаят коллежи ва Олмалик кончилик коллежида таҳсил олаётган 110 нафар ўқувчилар иштирок этишди.

Тадбирда ўқувчилар учун турли спорт мусобақалари уюштирилди, санъаткорларнинг чиқишлари ташкил қилинди.

«Туркистон-пресс».

Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Тошкент вилоят ва шаҳар ҳокимликлари, касб-хунар таълими босқирмаси, «Соғлом авлод учун» жамғармаси, Республика меҳр-муруват маркази ва Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Тошкент шаҳар Чилонзор матбаа касб-хунар коллежи, Тошкент вилояти Ангрэн кимё-санаят коллежи ва Олмалик кончилик коллежида таҳсил олаётган 110 нафар ўқувчилар иштирок этишди.

Тадбирда ўқувчилар учун турли спорт мусобақалари уюштирилди, санъаткорларнинг чиқишлари ташкил қилинди.


«Туркистон-пресс».

Сўнгги йилларда одам савдоси дунё жамоатчилиги олдига турган жиҳдий муаммолардан бирига айланиб бормоқда. Маълумотларга қараганда, бу трансмилий халқаро хавф йилга салкам 3 миллион кишини ўз домига тортапти. Ана шу кишини «товар» сифатида сотаётган кимсалар йилга 12 миллиард АКШ доллари миқдорида нопок даромад кўраёпти. Зеро, бу қабиҳ иллат юз йилликлар юзмини кўрган жиниятлардан бири бўлиб, асосан Ғарб ва Европа мамлакатлари қорчалолари томонидан мустахлак давлатларнинг фуқаролари аваллига арзон «ишчи кучи», кейинчалик «текин қул» сифатида сотилганлар. Энг ёмони, аёллар савдоси йилдан-йилга кенгайиб, мўмай даромад келтирувчи манбага айланган.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

Ўн саккиз йилдирки, мамлакатимизда иқтисодий ислохотлар изчил амалга оширилмоқда. Бунинг учун давлатимиз раҳбари ва ҳукулатимиз томонидан бир қатор қарор ва фармонлар қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Жумладан, республика Президентининг «2007-2010 йилларда ҳусуийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарори хорижий инвестицияларни жалб қилиш, ҳусуий мулкчилик шаклини ривожлантириш ҳамда экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун кенг имкониятлар яратмоқда. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида давлат мулк қўмитаси вилоят ҳудудий бошқармаси бўш турган объектларни хорижий ва маҳаллий инвесторларга инвестиция киритиш мажбурияти билан бепул бераётгани аини мўддао бўляпти.




ҚУРИЛИШ ЖАДАЛ, ИШИ МУКАММАЛ

Қибрай тумани ТашГРЭС шаҳарчасидаги қурилиш тугалланмаган объект давлат мулк қўмитаси вилоят ҳудудий бошқармаси ва вилоят ҳудудий комиссияси савй-ҳаракати билан танлов савдосига қўйилганди. Танловда 4 та талабгор қатнашди. Шундан «Navruz International Corp» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси муносиб, деб топилди.

Вилоятимиз ҳар томонлама қулай минтақада жойлашган, — деди давлат мулк қўмитаси вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Саъдуллахон Набиҳонов. — Шу сабаб, вилоятимизнинг қайси ҳудудда эканидан қатъи назар, ҳатто, бир қарчир ер ҳам ташландиқ ҳолда бўлиши керак эмас. Қибрай туманидаги бу ер майдонидан унумли фойдаланиш учун истиқболи порлоқ бўлган инвестор топишга ҳаракат қилидик ва бунинг улдасидан чиқдик, деб ўйлайман.

Дарҳақиқат, бу корхона дастлабки кунларданок дадиллик билан ишга тушиб кетди. Чунончи, қўшма корхона учун ҳар томонлама қулай ер майдонини топиш,



технологик линияларни олиб келишда божхона масалаларини осонлик билан ҳал қилиш ва инвестиция мажбуриятларини ортиғи билан бажаришда ҳам мазкур бошқарманинг савй-ҳаракати ҳамда амалий ёрдами катта бўлди.

Инвестиция лойиҳасида корхона 2010 йилнинг 1 июлигача ишга тушириш кўзда тутилган эди, — деди бошқарманинг шартнома ва инвестиция мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш бўлими бошлиғи Абдуҳамид Абдуваҳобов корхона цехларини айланар эканми. — Лекин, корхона муддатидан олдин ишга туширилган қувонарлидир. Инвестиция мажбурияти шу кунгача қадар 170 фоизга бажарилиб, Ҳозир корхонада бир вақтинчидан ҳам қурилиш ишлари, ҳам ишлаб чиқариш жараёнлари жадал бормоқда.

Маълумотларга қараганда, корхона лойиҳасининг умумий қиймати 19 миллиард 650 миллион сўм бўлиб, шу кунгача унинг 11 миллиард 240 миллион сўми ўзлаштирилган. Корхона цехлари Германия ва Италиянинг жаҳонга машҳур заводларидан келтирилган замонавий технологиялар билан жиҳозланган бўлиб, ишлаб чиқариш жараёни 100 фоиз автоматлаш-

тирилган. Бу ерда қурилиш ишлари давом этаётгани биланмайдир. Атрофда манзарали ва мевали дов-дархатлар экилиб, ҳудуд ободонлаштирилган. Ерга ётқизилган чим, яъни ям-яшил ўтлоқ бахри-дилигини очади. Сув сепилган йўллардан ҳавасга юргингиз келади.

Ишчи ички бозорни жиҳдий ўрганишдан бошлади, — дейди корхона раҳбари Хулқар Рустамов. — Шунга қўра, истеъмолчилар учун янги таъм ва қўринишдаги янча ичимликлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Чунки биз учун энг муҳими истеъмолчиларнинг ишончини қозониш. Одамлар кўча-

қўйда, тўй-ҳашамларда корхонамиз ичимликларини ичиб, роҳатланиётганларини кўрсак, қилаётган ишимиздан мамнун бўламиз.

Ҳозирнинг ўзида корхонада Aqua light, Aqua Fruit, Ice Tea, Montella савдо тамгалари остида 30 турга яқин ичимликлар ишлаб чиқарилмоқда. Газли, газсиз, рангбаранг мевали сувлар, чанқовбости чойлар... Бу маҳсулотларни санаб тугата олмайсиз. Таъбингизга қараб, уларни тахлаб олаверасиз. Корхона маҳсулотлари орасида таъби жуда нозик одамлар учун ҳам янча ичимликлар топилади.

Корхонанинг асосий цехидамиз. Бу ерда технология линияларнинг шовқинидан бошқа овозни эшитмайсиз. Ҳамма билиб-билиб ишини қиялпти, ҳеч ким бекор турганини кўрмайсиз. Биров бировга ҳалақит қилиши мўкин эмас. Тартиб-қоида шундай. Ишчиларнинг устидаги махсус кийимлар ҳам жуда бежирим. Цехга ўрна-тилган ускуна соатига 18 минг дона маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга.

Корхонамизда биринчи маҳсулот ишлаб чиқарилганида қувончдан қўзимга ёш келганди, — дейди цех бошлиғи Мухиддин Насриддинов. — Маҳсулотларимизга талаб кўндан-кўнга ортиб бораётгани эса бизни руҳлантириб, кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшапти. Маҳсулотларимизни жойига етказиб бериш учун 10 та замонавий «Isuzu» юк ташиш махсус транспортларини харид қилганмиз. Дарвоқе, бизда маҳсулотларни етказиб бериш бепул.

Аҳамиятли томони шундаки, корхонада қисқа вақт ичида республика бўйича шартномалар имзоланди. Ҳатто, қўшни Қирғизистонга ҳам маҳсулотлар экспорт қилин-япти. Миҳозиларни излаб топиш, улар билан узоқ муддатли шартномалар имзолаш учун 30 нафар тажрибали вакил ишлаётди. Ай-тишларича, вакиллар миҳозилар билан қанча кўп шартнома имзолашса, оладиган ойллик маошлари ҳам шунча ошиб боради.

Миҳозиларимизни қизиктирадиган турли тадбирларни ишлаб чиқаями, — дейди супервайзер Сирожиҳдин Зайниддинов. — Масалан, биз билан ҳамкорлик қилаётган бирор дўхон бир ҳафтада 300 минг сўмлик маҳсулот харид қилса, махсус музлаткич ва саябон совға қиламиз. Шунинг ўзи ҳам бизга катта фойда келтиряпти.

Омбор мудир Аббор Асқаржўаевнинг айтишича, корхона омборхонасига жами 1 миллион 27 минг 100 дона ичимлик сифар экан. Лекин шу кунгача омборхона лиқ тўлиб қолганини эслолмайман, деди у. Чунки ишлаб чиқарилган маҳсулот тезда ташқарида қутиб турган транспорт воситаларига юкланади... Эндигина технология линиядан чиққан маҳсулот зум ўтмай, йўлда бўлади.

Кўшма корхонанинг ўз сув иншооти бўлиб, ичимликлар айнан шу ердан чиқадиган сувдан тайёрланар экан. Ишлатиладиган сув лабораторияда қатъий назоратдан ўтказилади. Сув иншоотида, сийими 50 тонналик қозонхонада, компрессор цехида ҳам кучли назорат ва тартиб ўрнатилган.

Уктамхон Икромов корхонанинг тажрибали лаборанти. У масъулиятли вазифани бажаради. Ичимликлар учун сироп тайёрлаш, уларнинг сифати ва таъмини назорат қилиб бориш маҳоратли лаборант учун қийинчилик туғдирмапти. Унинг айтишича, корхонада тайёрланаётган ичимликлар унга яқин босқичдан ўтар экан.

Ҳозир корхонада қарийб 100 нафар ишчи меҳнат қиялпти. Келгусида 200 дан зиёд киши ишлайдиган бўлади. Уларнинг ўртача ойллик маошлари 150 минг сўм. Шу билан бирга улар учун талайгина шароитлар яратилган. Ошхонада тайёрланадиган таомлар бепул. Қийиниш, ювиниш, дам олиш хоналари улар хизматига. Барча хоналар хориқ корхоналаридаги каби қўз қувнайдиган даражада жиҳозланган.

Корхонада келгусида янча ичимликлар ишлаб чиқаришдан ташқари бошқа режалар ҳам бор. Ҳозирнинг ўзида ичимликлар учун капсула, пленка, ёрлик ҳамда қопқоқ ишлаб чиқариш лойиҳалари устида изланилмоқда. Қўшимча ускуна ва жиҳозлар келтириш бўйича ҳам хорижий ҳамкорлар билан музокаралар олиб борилмақда. Агар шу режалар амалга охса, корхона маҳсулотларининг таннари арзонлашиб, даромад ҳам ортиб бораверади.

Хулоса қилиб айтганда, иқтисодий ислохотлар ўз самарасини бераёпти. Тадбиркорликни йўлга қўйиш истидаги бўлганларга барча эшиклар очик. Бунинг учун давлат мулк қўмитаси вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан керакли барча амалий ёрдамлар кўрсатилади.

Хусуийлаштириш жараёнидаги марҳамат!

Хуришда НАЗАРОВА,
«Тошкент ҳақиқати»
муҳбири.

СУРАТЛАРДА: қўшма корхона фаолиятидан лавҳалар.

Qishloq Qurilish Bank

«Moody's Investors Service»

халқаро рейтинг компанияси томонидан

Очиқ акциядорлик тижорат банки

«Қишлоқ қурилиш банк»

фаолияти учун халқаро рейтинг шкаласи бўйича аввалги йилда берилган.

«B3/NP/E+» рейтинг баҳосини

«B2/NP/E+»

даражасига қўтарилгани таъкидланди.

Банкга берилган барча рейтинглар

«Барқарор» прогнозига эга.

Қишлоқ қурилиш банк — фаровон ҳаётингиз хизматида!

Ахборот маркази

телефонлари:

(+99871) 233-71-72,

236-16-17.

e-mail:info@qqb.uz

www.qishloqqurilishbank.uz

Олмалик шаҳар 2-давлат нотариал идораси нотариуси.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси, Тошкент вилояти Давлат мулки кўмитаси ҳудудий бошқарамаси қошидаги "Toshkent viloyati davlat mulkini ijaraga berish markazi"**хусусий секторни кенгайтириш, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, давлат мулкидан янада оқилона фойдаланиш учун қуйидаги шаҳар ва туманларда жойлашган бўш турган бино ва иншоотлар майдонларини ижарага олишга таклиф этади:**

т/р/п/р	Фойдаланиш мақсади	Манзили (жойлашган жойи)	Майдони (кв.м)	Балансда сакловчининг номи	Ижара муддати
Олмалик шаҳар					
1	Аҳолига хизмат кўрсатиш	А. Навоий кўчаси, 32-уй	645,0	Шаҳар ҳокимлиги	2011 йилгача
2	Ревмоссанатория	Наследова кўчаси, 4-уй	348,0	"Олмалик тоғ-металлургия комбинати"	2010 йилгача
3	Маданият уйи	Иттифок кўчаси	1600,0	Маданият ва спорт ишлари бўлими	2010 йилгача
4	Савдо	Китве кўчаси, 7-уй	550,0	Шаҳар ҳокимлиги	2010 йилгача
5	Умумий ётоқхона	Китве кўчаси, 11а-уй	3696,0	Санитар тозалаш бошқармаси	2010 йилгача
6	Умумий ётоқхона	Китве кўчаси, 9-уй	3352,0	Ободонлаштириш бошқармаси	2010 йилгача
7	Идора	Иванова кўчаси, 5-уй	480,0	Шаҳар ҳокимлиги	2010 йилгача
Ангрен шаҳар					
8	Ертўла	31-даха, Лебедкова кўчаси, 10-уй	200,0	"Сарбон" ширкати	2010 йил
9	Ертўла	31-даха, Лебедкова кўчаси, 12-уй	100,0	"Сарбон" ширкати	2010 йил
10	Ертўла	31-даха, Лебедкова кўчаси, 12-уй	80,0	"Сарбон" ширкати	2011 йил
11	Ертўла	5-даха, 4-уй	150,0	"Дона-Абадият" ширкати	2010 йил
12	Ертўла	5-даха, 8-уй	400,0	"Дона-Абадият" ширкати	2010 йил
13	Ертўла	4-даха, 13-уй	300,0	"Нурли Ангрен" ширкати	2010 йил
14	Собиқ тиш даволаш шифохонаси	5/1а даха, 4-уй, 1-каватда	48,0	"Эркинлик" ширкати	2009 йил
15	Ертўла	Хоразм кўчаси, 18-уй	80,0	"Оксана" ширкати	2010 йил
16	Ертўла	Хоразм кўчаси, 14-уй	80,0	"Оксана" ширкати	2010 йил
17	Ярим ертўла	Янгиобод кўр. Баҳор кўчаси, 2-уй	70,0	Янгиобод-1 ширкати	2010 йил
18	Собиқ пивхона	Янгиобод кўр. Ғ. Ғуллом кўчаси	220,0	Янгиобод-1 ширкати	2010 йил
19	Собиқ Сувоқова биноси	Янгиобод кўр. Ғ. Ғуллом кўчаси	600,0	Узбектуризм	2010 йил
20	Болалар боғчаси биносининг 2-кавати	Янгиобод кўр. Қончилар кўчаси	1400,0	Узбек Бокс Федерацияси	2010 йил
21	Саргарошхона	Янгиобод-1, Ғ. Ғуллом кўчаси	48,0	Янгиобод-1 ширкати	2011 йил
22	Собиқ ошхона	Чикизов кўчаси, 3-уй	50,0	Ангрен ш. ҳокимлиги	2011 йил
23	3-каватли бино	Янгиобод кўр. Қончилар кўчаси	1200,0	Тош.вил. Архитектура институти	2011 йил
24	Кинотеатр биноси	Янгиобод-1, Ғ. Ғуллом кўчаси	500,0	Номанг'лум	2010 йил
25	Дорихона биноси (ВМ-662)	Нуробод кўр. 19-уй	608,0	ТХКХ Нуробод кўрғони	2010 йил
26	Ертўла (ВМ-662)	5/1а-даха, 15-уй	150,0	"Ахмедов" ширкати	2010 йил
27	Резинотехника профилакторийси	Облик кўрғони	1980,0	Ангрен ш. ҳокимлиги	2010 йил
28	Ярим ертўла	5/1а-даха, 6-уй	600,0	"Ахмедов" ширкати	2010 йил
Бекобод шаҳар					
29	Собиқ юқумли касалликлар шифохонаси биноси	Бекобод шаҳри, 3-даха	419,98	Бекобод шаҳар ҳокимлиги	2009-2010 йиллар
30	Қўп каватли биносининг 1-каватидаги нотурархон	Бекобод шаҳри, Истиклол кўчаси, 19-уй	21,4	Бекобод шаҳар ҳокимлиги	2009 йил
Чирчик шаҳар					
31	Савдо дўкони (ВМ-662)	Кангли кўчаси бекати	20,0	Хусусийлаштириш бўлими	2009 йил
32	Дорихона (ВМ-662)	А. Навоий кўчаси бекати	23,0	Хусусийлаштириш бўлими	2009 йил
33	Ярим ертўла (ВМ-662)	Истиклол кўчаси, 20-А уй	48,0	Хусусийлаштириш бўлими	2009 йил
34	Сарой (ВМ-662)	Корасув кўчаси, 7-уй	132,0	Хусусийлаштириш бўлими	2009 йил
35	Нозимхона (Деспетчер пункти) (ВМ-662)	А. Навоий кўчаси, 183-уй	7,0	Хусусийлаштириш бўлими	2009 йил
36	Автоматлаштирилган телефон станцияси биносининг 4-кавати	Чирчик 50-йиллиги кўчаси, 9-уй	855,3	Хусусийлаштириш бўлими	2009 йил
37	Ишлаб чиқариш цехи (ВМ-662)	А. Навоий кўчаси, 92-уй	10900,0	Чирчиккишмаш ОХЖ	2009 йил
38	Маъмурий корпус	А. Навоий кўчаси, 92-уй	1300,0	Чирчиккишмаш ОХЖ	2009 йил
39	Каҳвахона-бар	Истироҳат боғи кўчаси, 1-уй	206,0	Чирчик горнизонининг зобитлар уйи	2009-2010 йиллар
Янгийўл шаҳар					
40	Ўқув биносининг 4-корпусидаги бўш хона (ВМ-662)	Маърифат кўчаси, 62-уй	90,0	Академик лицей	2010 йил
Оқкўрғон тумани					
41	13-сонли мактабга қарашли боғча биноси	Хонка кишлоғи	200,0	Халқ таълими бўлими	2009-2010 йиллар
Бекобод тумани					
42	Жумабозор кишлоқ маданият уйи	"Дехқонбод" ф/у	600,0	Маданият ва спорт ишлари бўлими	2009-2010 йиллар
43	Бекобод кишлоқ маданият уйи	"Навоий" ф/у	600,0	Маданият ва спорт ишлари бўлими	2009-2010 йиллар
44	Киёт кишлоқ маданият уйи	"Галаба" ф/у	500,0	Маданият ва спорт ишлари бўлими	2009-2010 йиллар
45	Мавлонов кишлоқ маданият уйи	"Мавлонов" ф/у	300,0	Маданият ва спорт ишлари бўлими	2009-2010 йиллар
46	Чанок кишлоқ маданият уйи	"Ойбек" ф/у	350,0	Маданият ва спорт ишлари бўлими	2009-2010 йиллар
47	ФАП	"Далварзин" ф/у	48,0	Тиббиёт бирлашмаси	2009-2010 йиллар
48	Кишлоқ врачлик пункти биноси	"Ойбек" ф/у	560,0	Тиббиёт бирлашмаси	2009-2010 йиллар
Бўстонлик тумани					
49	4 каватли ётоқхона	Чорбоғ кўрғони	800,0	Бўстонлик тумани ҳокимлиги	2009-2010 йил
50	4 каватли ётоқхона	Ғазалкент шаҳри, Мустақиллик кўчаси	1200,0	Бўстонлик тумани ҳокимлиги	2009-2010 йил
Бўка тумани					
51	Буфет (ВМ. 662-ф)	"Улугбек" ф/у	40,0	Туман халқ таълими, 20-сонли ўрта таълим мактаби	2009-2010 йиллар
52	Буфет (ВМ. 662-ф)	"Бахмал" ф/у	35,0	Туман халқ таълими, 46-сонли ўрта таълим мактаби	2009-2010 йиллар
53	Буфет (ВМ. 662-ф)	Бобур кўчаси, 5-уй	36,0	Туман халқ таълими, 3-сонли ўрта таълим мактаби	2009-2010 йиллар
54	Буфет (ВМ. 662-ф)	"Т. Ражабов" ф/у	30,0	Туман халқ таълими, 22-сонли ўрта таълим мактаби	2009-2010 йиллар
55	Буфет (ВМ. 662-ф)	"Навоий" ф/у	30,0	Туман халқ таълими, 49-сонли ўрта таълим мактаби	2009-2010 йиллар
56	Буфет (ВМ. 662-ф)	"Қашқадар" ф/у	20,0	Туман халқ таълими, 50-сонли ўрта таълим мактаби	2009-2010 йиллар
57	Буфет (ВМ. 662-ф)	"Бўстон" ф/у	64,0	Туман халқ таълими, 39-сонли ўрта таълим мактаби	2009-2010 йиллар
58	Ошхона (ВМ. 662-ф)	"Ғ. Азаматов" ф/у	174,0	Туман халқ таълими, 12-сонли ўрта таълим мактаби	2009-2010 йиллар
59	Ошхона (ВМ. 662-ф)	"Ғ. Азаматов" ф/у	30,0	Туман халқ таълими, 54-сонли ўрта таълим мактаби	2009-2010 йиллар
60	Буфет (ВМ. 662-ф)	"Бўстон" ф/у	20,0	Туман халқ таълими, 39-сонли ўрта таълим мактаби	2009-2010 йиллар
61	Буфет (ВМ. 662-ф)	"Ғ. Азаматов" ф/у	20,0	Туман халқ таълими, 6-сонли ўрта таълим мактаби	2009-2010 йиллар
62	Ошхона (ВМ. 662-ф)	Узбекистон кўчаси, 12-уй.	72,0	Туман халқ таълими, 1-сонли ўрта таълим мактаби	2009-2010 йиллар
63	Ошхона (ВМ. 662-ф)	"О. Юлдашев" ф/у	90,0	Туман халқ таълими, 29-сонли ўрта таълим мактаби	2009-2010 йиллар
64	Буфет (ВМ. 662-ф)	"Жамбул" ф/у	15,0	Туман халқ таълими, 31-сонли ўрта таълим мактаби	2009-2010 йиллар
65	Буфет (ВМ. 662-ф)	"С. Сайманов" ф/у	29,15	Туман халқ таълими, 51-сонли ўрта таълим мактаби	2009-2010 йиллар
66	Буфет (ВМ. 662-ф)	"Қашқадар" ф/у	36,0	Туман халқ таълими, 23-сонли ўрта таълим мактаби	2009-2010 йиллар
67	Буфет (ВМ. 662-ф)	"О. Юлдашев" ф/у	30,0	Туман халқ таълими, 24-сонли ўрта таълим мактаби	2009-2010 йиллар
68	Ошхона (ВМ. 662-ф)	"С. Сайманов" ф/у	60,0	Туман халқ таълими, 28-сонли ўрта таълим мактаби	2009-2010 йиллар
69	Ошхона (ВМ. 662-ф)	"М. Ўзбекистон" ф/у	33,0	Туман халқ таълими, 9-сонли ўрта таълим мактаби	2009-2010 йиллар
70	Ошхона (ВМ. 662-ф)	Қўқорол	72,0	Туман халқ таълими, 44-сонли ўрта таълим мактаби	2009-2010 йиллар
71	Ошхона (ВМ. 662-ф)	"И. Хожиматов" ф/у	19,8	Туман халқ таълими, 15-сонли ўрта таълим мактаби	2009-2010 йиллар
72	Ошхона (ВМ. 662-ф)	"Туркистон" ф/у	90,0	Туман халқ таълими, 36-сонли ўрта таълим мактаби	2009-2010 йиллар
73	Ошхона (ВМ. 662-ф)	"Ачамали" ф/у	90,0	Туман халқ таълими, 14-сонли ўрта таълим мактаби	2009-2010 йиллар
74	Буфет (ВМ. 662-ф)	"Туркистон" ф/у	20,0	Туман халқ таълими, 37-сонли ўрта таълим мактаби	2009-2010 йиллар
75	Буфет (ВМ. 662-ф)	"И. Хожиматов" ф/у	35,0	Туман халқ таълими, 17-сонли ўрта таълим мактаби	2009-2010 йиллар
Зангиота тумани					
76	"Ўртаовул-Агротех" МТП масъулияти чекланган жамиятининг ижтимоий объект биноси (ВМ-662)	Зангиота тумани Ўртаовул кўрғони	18,0	МЧЖ МТПга қарашли "Ўртаовул-Агротех" ижтимоий объекти	2010 йил
77	"Ўртаовул-Агротех" МТП масъулияти чекланган жамиятининг клуб биноси (ВМ-662)	Зангиота тумани Ўртаовул кўрғони	78,7	МЧЖ МТПга қарашли "Ўртаовул-Агротех" клуб биноси	2010 йил
78	"ТМШ" га қарашли поликлиника биноси	Зангиота тумани Назарбек қ.ф.и Фишчилар маҳалласи	100,0	"ТМШ"га қарашли ФАП биноси	2010 йил
Кибрай тумани					
79	Бош ўқув корпуси, 6-каватли бўш бино (ВМ-662)	Кибрай тумани, Салар ш.ф.й. Университет кўчаси	1200,0	ТошДАУ қошидаги Академик лицей	2010 йил
80	Маъмурий биносининг, 4-кавати қисман бўш (ВМ-662)	Кибрай тумани, Салар ш.ф.й. Бобур кўчаси, 4-уй.	300,0	Ўзбекистон Ўсимликларини химоя қилиш ИТИ	2009 йил
81	Гараж бокслари	Кибрай тумани, Салар ш. Университет кўчаси	150,0	Ўзбекистон гўза селекцияси ва уруғчилик институти	2009-2010 йил
82	Ошхона	Кибрай тумани, Янгиобод қ.ф.й. Дўстлик кўчаси	400,0	Чингелди маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи	2009 йил
83	Меҳнат дарслари ўтиш биноси (ВМ-662)	Кибрай тумани, Янгиобод қ.ф.й. Геофизика кўрғони	1400,0	Кибрай тумани Кишлоқ ҳўжалик касб-хунар коллежи	2009 йил
84	Маъмурий биносининг 4-кавати бўш. (ВМ-662)	Кибрай тумани, Оққовқ қ.ф.й. Олимлар даҳаси кўчаси	1283,0	Ўзбекистон пахтачилик ИТИ	2009 йил
85	Бош лаборатория корпуси, ҳамма кавати қисман бўш	Кибрай тумани, Май қ.ф.й. Қизил Шаллола кўчаси.	1000,0	"Плем элита" чорвачилик илмий тадқиқотчилик институти	2009 йил
86	Омборхона (ВМ-662)	Кибрай тумани, Май қ.ф.й. Қизил Шаллола кўчаси.	540,0	"Плем элита" чорвачилик илмий тадқиқотчилик институти	2009 йил
87	Маъмурий бино, 3-кавати бўш	Кибрай тумани, Янгиобод қ.ф.й. Геофизика кўрғони	400,0	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги	2009 йил
88	Ошхона	Кибрай тумани, Салар ш.ф.й., Университет кўчаси, 1-уй	3000,0	Тошкент Давлат аграр университети	2009 йил
Паркент тумани					
89	Эски тез ёрдам биноси (ВМ-662)	Заркент кишлоғи, Ш. Рашидов кўчаси	35,42	Заркент "КВП"	2009 йил
90	Эски мактаб биноси	Қорақалпоқ кишлоғи	258,0	26-умумий ўрта таълим мактаби	2009 йил
91	Маъмурий бино ва иншоотлар (ВМ-662)	Қорақалпоқ кишлоғи	6460,6	Паркент-Корасув ИТБ	2009 йил
92	Бостирма ва иншоотлар	Қорақалпоқ кишлоғи, Ешлик кўрғони	1000,0	Паркент-Корасув ИТБ	2009 йил
93	Маъмурий бино	Қушшўқур МФИ	465,0	Қушшўқур МФИ	2009 йил
94	Сўқок маданият уйининг бўш хонаси	Сўқок кишлоғи	24,0	Маданият ва спорт бўлими	2009 йил
95	Заркент маданият уйининг бўш хонаси	Заркент кишлоғи	20,0	Маданият ва спорт бўлими	2009 йил
96	Мактабнинг бўш хонаси (ВМ-662)	Бойқозон кишлоғи, Ешлик кўчаси	20,0	31-умумий ўрта таълим мактаби	2009 йил
97	Қорақалпоқ КФИ эски биноси	Қорақалпоқ кишлоғи	160,0	Қорақалпоқ "КФИ"	2009 йил
98	Буфет хонаси (ВМ-662)	О. Юнусов кўчаси, 6-уй	27,0	46-умумий ўрта таълим мактаби	2009 йил
99	Буфет хонаси (ВМ-662)	Сурхи маҳалласи	82,5	45-умумий ўрта таълим мактаби	2009 йил
100	Буфет хонаси (ВМ-662)	Бўлоқбози кўчаси	38,0	4-умумий ўрта таълим мактаби	2009 йил
101	Буфет хонаси (ВМ-662)	Бўстон КФИ	167,0	24-умумий ўрта таълим мактаби	2009 йил
102	Буфет хонаси (ВМ-662)	Ўзбекистон кўчаси	50,0	1-умумий ўрта таълим мактаби	2009 йил
103	Буфет хонаси (ВМ-662)	А. Навоий кўчаси	162,6</		

«Шарқ тароналари» – 2009

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали 1997 йили Регистон майдонида очилган эди. Ушанда Ўзбекистоннинг етакчи артистлари ижросида «Салом, Самарқанд» қўшиғи илк бор янграган эди. Бу қўшиқ ушбу халқаро мусиқа анжуманининг ўзига хос гимнига айланиб қолди.

Ўзбекистон санъат арбоби, Ўзбекистон давлат консерваторияси кафедра мудири, бастакор Дилором Омонуллоева мазкур қўшиқ муаллифидир. Мухбиримиз ундан анъанавий «Шарқ тароналари» фестивали ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.

ҚАЛЪЛАРГА ОШНО ОҲАНГЛАР

– Шарқ мусиқаси орқали дунё халқлари маданиятининг ўзига хос мулоқоти эришиш фестивалъи фойдаланиш асосини ташкил этади. Ушбу мусиқа форуми ниятда сержирра, у турли маданиятларнинг жозибадорлиги ва миллий анъаналари билан бойимокда. Ажойиб байрам онларини ортиқиб кутаётган Самарқанд замини узра яна турли халқлар куй-қўшиқлари янграши мени ниятда қувонтиради.

– Фестиваль гимнининг илк садоларини эшитганингизда нималарни ҳис этасиз?

– «Шарқ тароналари» мусиқа фестивалини ўтказишдан қўзланган асосий мақсад мусиқа ва ижрочилик санъатининг ноёб намуналарини тарғиб қилиш, асраб-авайлаш ва ривожлантиришдан иборатдир. Жаҳон цивилизациясининг азалдан турли маданиятлар бир-бир билан чамбарчас боғланган энг қўхна марказларидан бирида бўлиб ўтаётган фестивалъ халқро микёсда ҳақли равишда шухрат қозонмоқда. Ушбу хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда, гимн учун мусиқа яратилди. Ушбу мусиқа фестивалъ номига ҳам ҳамонан бўлди. Энг қўхна муомтоз ўзбек мусиқаси атамаларидан бири бўлиш «тарона»нинг илди-иш халқ қўшиқчилиги манбаи – инсоният дурдонаси бўлиши мақомларга бориб тақаллади. «Шарқ тароналари» халқаро фестивали но-

мининг асосини бой миллий ва мусиқа анъаналари асраб-авайлаб келинаётган мамлакатимиз учун чуқур аҳамиятга эга бўлган ушбу сўз ташкил этгани ҳам беҳиз эмас. Фестивалнинг кўтаринки руҳи айнан жўшқин мусиқага асосланган. Қолаверса, таронани шодлик ифодаси ҳам дейдилар.

Шоир, бастакор, аранжировкачи ва хонандалар ҳамкорлигида яратилган, турли мамлакат ва қитъалардан ташриф буюрган одамларни бирлаштирган ушбу гимн нафақат ўзбек, балки форс, араб, француз, инглиз ва бошқа тилларда ҳам ижро этилди. Яқин кунларда унинг тантанали оҳанглари яна қўхна ва ҳаммаша навқирон Самарқанднинг дунёга машҳур Регистон майдонида янграйди. Минг йиллар илгари Буюк ипак йўли ўтган мазкур шаҳар бугунги кунда дунё халқлари мусиқасини бирлаштираётганда чуқур рамзий маъно бор. Эеро, Президентимиз таъкидлаганидек, мусиқа санъати – инсонга ҳар доим ҳамроҳ бўладиган, унинг ички дунёсини бойитадиган, маънавий поликка ундайдиган беназир мўъжизавир. Самарқанд еттинчи мартада фестивалъ меҳмонлари ва иштирокчиларини қўтиб олади ва биз дунёда тинчлик, турли халқлар ўрта-сидаги дўстлик рами бўлган мафтунок куй-қўшиқлардан олам-олам завқ оламиз.

Л. СТРУННИКОВА,
ЎЗА шарҳловчиси.

ОҚИВАТ

Eshik asta ochildi. Ayaning turishga majoli etmay, os-tonada paydo bo'lgan qo'shni qiz Durdona holsizgina tikildi.

U «Assalomu alaykum, xolajon, tuzukmisiz», deya holahvol so'ragach, kosadagi issiqqina mastavani ayaning oldiga qo'ydi.

– Ovqatni issig'ida ichib olar ekansiz, onam aytdilar, mana qatig ham bor, – dedi u mehr bilan.

– Rahmat, bolam, onang xo'p mehribon, ochiq ko'ngil ayol-da, ilohim kam bo'lmasin. Senlarning baxtingni, ro-hatingni ko'rib yursin...

Halima aya mana bir necha oyki, og'ri xasta. Undan xabar olgani qo'ni-qo'shnilar yoru birodarlari kirib turishadi, iloji boricha ko'nglini ko'tarishga

urinishadi. Biroq o'z jigari Abdurazzoq onasidan xabar olishni xayoliga ham keltirmaydi. Ko'zlari nigoron onazor jigarbandini ko'rishga mushtok. Buni sezgan ya-qinlari ayaning o'g'lidani ranjishdi. Axir mehr-oqibat, shafqat tuyg'usi insonga yot xislat emasku?! Ona uchun bir bora «Durustmisiz, onajon?» degan kalomning o'zi kifoya-ku. «Ona ko'ngli bolada, bola ko'ngli dalada», deyish-ganidek, uning bu beoqibatligi kezi kelib, o'ziga qaytishini bilarmikan?

Umiddi dunyoda har kim qo'ldan kelgancha yaxshilik qilmog'i lozim, zero yaxshilik ham, yomonlik ham javobsiz qolmaydi.


Yulduzxon FAZLIDDINOVA.

ОРОМГОҲДА МУСОБАҚА

Бўстонлик туманидаги «Зилола» болалар спорт мажмуасида туман оромгоҳларида дам олаётган ўқувчилар иштирокида спорт мусобақаси ташкил этилди.

Юз нафардан зиёд болалар мусобақадан спортнинг футбол, шахмат, шашка ва стол тенниси турлари бўйича беллашибди. Беллашувда нафақат туман оромгоҳларида дам олаётган ўқувчилар, балки спортга қизиқиб, бўш вақтларда тўғарақларга қатнашиб келаётган маҳалла ёшлари ҳам иштирок этишди. Юқори натижаларга эришган ўқувчилар ташкилчиларнинг эсдалик совгалари билан тақдирланди.

«Туркистон-пресс».



Чорвоқда сузиш жуда ҳам маза-да...


Мухаммад АМИН (ЎЗА) сурат-лавҳаси.

Фудокан каратэ-до бўйича II-ДАН қора белбоғ соҳиби бўстонликлик Жамшид Эрметовнинг бугун қувончи чексиз. Чунки яқинда Тошкент шахрида бўлиб ўтган фудокан каратэ-до бўйича Ўзбекистон чемпионатида унинг икки шогирди чемпионлик унвонига эга бўлди.

Рустам Файзуллаев кўк белбоғ соҳиби. 13 ёшли бу болакайнинг спорт билан шуғулланиётганига ҳали кўп вақт бўлмасада, эришган ютуқлари эригулик. Жавлонбек Филопов ҳам умидли спортчилардан. У жигарранг белбоғ соҳиби. Табиатан оғир-босик,

У ШОГИРДЛАРИДАН ФАХРЛАНАДИ

Ўзига нисбатан талабчан бу спортчининг медаллар шодаси анчагина. Шу қўнғача уч қарра Ўзбекистон чемпиони бўлиб, устозининг берган сабоғию меҳнатларини оқлапти.



Ҳозир Жамшид Эрметов ўз шогирдларини шу йилнинг октябр ойида Россиянинг Самара шаҳрида бўлиб ўтаётган мамлакат кубог мусобақаларига тайёрламоқда.

СУРАТДА: Жамшид Эрметов (ўнгда) Рустам Файзуллаев ҳамда (чапда) Жавлонбек Филопов билан.

Саломат бўлинг

ШИТРОБАХШ НЕЪМАТ

Ҳиндистоннинг шимолий вилоятларида Хунза элати яшайди. Уларнинг асосий озиқ-овқати ўрик ва ўрик маҳсулотларидир. Қизими шундаки, ушбу қабила аъзоларининг ўртача умри 100 йил.

Дарҳақиқат, ўрикнинг шифобахш неъмат эканлиги ҳақида ўтмишнинг энг буюк табиблари ўз рисола-ларида баён этганлар. Жумладан, Абу Али ибн Сино, Дискриду, Букрот каби ҳақимлар ўрик меваси ва унинг елими ошқозон-ичак фаолиятига ижобий таъсир кўрсатишини қайд қилганлар.

Ўрик меваси таркибида 27 фоиз қанд моддаси, 2,5 фоизгача органик моддалар

(олма, лимон, узум кислоталари), пектин, крахмал, ошловчи моддалар, темир, мис, кальций, мағний микрорезлментлари, калий тузлари, шунингдек, дармондорилардан С, РР витаминлари, каротин мавжуд. Ўрик мағзида 50 фоизгача мой, оксил моддалар, В 15 витамини, гликозид амингидин бор. Ўрик ошқозон ва ичак заҳарланишига қаршилик қилади, ичак фаолиятини уйғунлаштиради.

Юрак огриганида, ҳалқирганида, ҳафаконда, қон босимини пасайтирида ўрик мағзини чой каби дамлаб ичиш тавсия этилади.

Ўрикнинг янги меваси, туршаги кишига дармон бағишлайди, қабзиятга хотима беради, шунингдек, камқонлик билан оргиланган учун ҳам айни муддао.

Мевасининг эзилмаси – қуёш нуридан қуйганга қарши ишончли никоҳ.

100 грамм ўрик меваси таркибида 40мг. темир бўлиб, 250гр. жигарнинг қувватини беради.

Ўрик шарбати юрак, қон-томир касалликлари билан огрилган ҳомилдор аёлларга фойдали.

Бир пийла ўрик шарбати кишининг С дармондорисига бўлган суткалик эҳтиёжини қоплайди.

Ўрик таркибидаги темир моддаси организмда қон ҳосил бўлишида фаол қатнашади.

Файзулла АБДУЛЛАЕВ тайёрлади.

Билиб қўйган яхши

ЮЗИНГИЗНИ АСРАНГ

Юзингизда акс этиб турган чарқоқ, асабийлашиш изларини йўқотишни истайсизми? Унда ҳафтасига икки марта йигирма дақиқадан ўзингизга вақт ажратинг. Юз териси учун фойдали махсус никоҳларни қилишдан эринманг.

● Бодрингни қирғичдан чиқариб, бир неча томчи лимон шарбати, битта туҳум сариги, бир қошиқ қатқ солиб аралаштирилади. Бундай никоҳ юзни оқартириб, тиниклашти-ради.

● Юз териси қуруқ бўлган аёлларга сабзили никоҳлар жуда ҳам фойдали. Бунинг учун 2-3 дона сабзи қирғичдан чиқарилиб, битта туҳум сариги билан аралаштирилади ва бир текисда қилиб юз терисига қўйилади.

● Бир-икки дона узум олиб, уни икки бўлакка бўлинг ва юзингизни артинг. 15 дақиқадан сўнг илқ сув билан ювиб ташланг.

● Қуруқ тери учун уруғи олинган 5-6 узум донасини яхшилаб эзинг ва 1 чой қошиқ зайтун ёғи, 1 ош қошиқ табиий асал билан аралаштиринг. 20 дақиқага юзингизга суртинг.

Рассом ханадаси



Хусан СОДИКОВ чизган расм.

Кейинги пайтларда «Хамма ёқни фонограмма босиб кетди!» деган ҳайкириқлар қўпайиб кетди, биродарлар? Ҳўш, фонограмманинг нимаси ёмон? Ҳофиз ҳам тирик жон – тоби бўлмаслиги, овози чикмай қолиши мумкин. Фонограмма бўлса-чи? Хаммаёқ текис – хонанда соқов бўлиб қолган бўлсам овози жаранглаб турибди-ю!

Энг маъқули, фонограммани ҳаётда ҳам қўлласа бўларкан. Бошлиғимиз Ўлжақўзи ака дунёда биринчи бўлиб уни корхонамизда жорий қилди. Вей, зўр бўларкан-эй! Илгари маърузалари учун тонналаб қоғоз сарфлардик. Фонограммага ўтишгач, бир кило ҳам қоғоз кетгани йўқ. Хамма маърузаларининг фонограммасини дискетга ёзиб, рақамлаб олишган. Албатта, биринчи рақамли дискетлари, илгари ишларимизнинг расволиги, Ўлжақўзи акаимиз корхонага раҳбар бўлиб келгач, туб бурилиш қилганликлари, шундан сўнг мислсиз муваффақиятларга эришганимиз, эришаётганимиз ва ҳоказолар ҳақида. Аммо, ўзим даҳшат-да дискетларининг биринчиси. Корхонамизнинг бугунги ҳаётини шунангидан завқ-завқ билан кўкларга кўтариб макташадим, шу жойда ишлаётганингизга, шу заводдан нафас олаётганингизга шукроналар айтиб, негадир йиллагингиз келади. Гўзал бир қўшиқ эшитгандай бўласиз!

Хамма йилгилишларимиз ана шу қўшиқни эшитиш билан бошланади. Ундан кейин мавзуга қараб, ё танқид, ё мактов, ё табрик, ё мотам ҳақидаги олтинчи ёки эллик еттинчи рақамли дискетларга навбат берилади. Маросим охирида эса, яна маза қилиб ўрин-босарлари ижросида Ўлжақўзи акаимизнинг биринчи «қўшиқ»ларини такроран эшитамиз.

Бизгама маза бўлиб қолди. Илгари, сўз бериб қолишса нима дей-сан, деб михнинг устида утирардик. Энди бема-

лол, бошлиқнинг нутқини эшитатгандай бўлиб, ҳаёл суриб ўтираверамиз: бизам фонограммага ўтиб олганмиз-да! «Сўзга чиқувчилар борми?» деб сўраб қолса, қўрқмай минбарга ҳам кутарилиб бораверамиз. Дискетимиз тайёр-да. Уни операторга узатиб, «Биринчини қўйиб юборинг», деб қўямиз, вассалом. «Биринчимиз» Ўлжақўзи акаимизнинг биринчиларига ҳамоҳанг «қўшиқ» бўлади, албатта. Кейин мавзуга қараб,

Бўлмаса, «Ие, кеча огоҳлантириб қўймабсиз-да!» Бу масалани эртага гапласак», деган одадгаги сўзларини эшитиб чиқаварамиз.

Кир совундай магнитофон олволсангиз кўча-кўйда ҳам оғиз огритиб юрмас экансиз: – Соғу омон борми-сан? Ха, бизам боринг бўлай, йўлинг бўлай, деб юрибмиз.

Кунт билан табрик, ҳамдардик, кечирим сўраш, йилгаш, илтимос, дўқ уриш, қулиш, эснаш,



овози чиқди:

– Нимаям қилардик фалокат-да, фалокат. Фонограммам дарҳол унга жавоб қилди: – Бизга ҳам ана шундай жойлар, кунлар, байрамлар, тўйлар насиб қилсин!

Кенжавойнинг хотини менга қараб пийланиб отди.

Э, бу шармандалигимиз ҳеч нарса эмас. Хотин билан ёмон бўлди. Ўлжақўзи ака йилги-лишда мени роса макта-ганди. Котибасидан илтимос қилиб бу мактовларни дискетимга қўчириб олдим. Хотинбойни бир қойил қолдирмоқчи бўлиб, «Эшит! Қандай буюк инсон билан яшаётганингни бил!» деб қўйиб берибман.

«Латофатхон, жоним, асалим, гўзалим! Ўлсам сизни дейман!» деб турибди-ю! Адамшай кетай. Хотин юзимга шапалоқни тортиб, онасиникига жўнаворди. Бошдан-оёқ тавба-тазарруга тўра дискетим билан бўлиб, қай-

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими:
236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03,
236-53-54.

Манзилими:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот
бошқармаси томонидан 2006 йил 18 декабрда
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти
компьютер марказида терилди ва
саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Жўра САЪДУЛЛАЕВ
Навбатчи
Хуршида НАЗАРОВА
Саҳифаловчи:
Тоҳир МАХМУДУЖАЕВ